

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Алишер Навоий номидаги
Самарканд Давлат Университети

Факултет: Ижтимоий – иктисодиёт

Йуналиш: Ижтимоий иш

Фан: Иктисод социологияси

КУРС ИШИ

Mavzu: ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ ИЖТИМОЙ
ОҚИБАТЛАРИ

Бажарди: Бирдиллаев И
Текширди: доц.Жураев Л.

Самарканд -2014

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОҚИБАТЛАРИ.

Режа:

- 1.Молиявий инқирознинг моҳияти.
- 2.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни келтириб чиқарган сабаблар ва оқибатлари.
- 3.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабабларини қандай ноиқтисодий омиллар асосий талаб ва таклиф қонунининг бузилишига олиб келганлигидан ахтариш зарур. Маълумки, талаб ва таклиф қонуни бозор иқтисодиётининг объектив қонуни бўлиб, у товарларга талаб ва товарлар таклифи ўртасидаги доимий, мунтазам ва зарурий ўзаро алоқадорлик, боғланишни акс эттиради. Талаб ва таклиф бир-бирини тақозо этади ва бу уларнинг ўзаро мослиги, мувозанатини белгилайди. Мазкур қутбий томонларнинг ўзаро мослиги, мувозанатига эришилса ва унга монанд иш тутилса, жамият бозор муносабатлари асосида барқарор ривожланади. Билъакс, томонлар ўртасидаги ўзаро мослик, мувозанат бузилса, жамият ҳаётида беқарорлик, инқироз юзага келади.

И.А.Каримов ўз китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатларининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан (бунда ноиқтисодий омиллар ҳам назарда тутилади – изох бизни) келиб чиқишлигини таъкидлайди.

Мазкур глобал миқёсидаги инқирозни тўхтатиш оқибатларини бартараф этиш энг аввало унинг омиллари сабабларини аниқлашни талаб этадики, ҳали ушбу масала ўз ечимини топган эмас.

И.А.Каримов ушбу китобда жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлатлар иштирокида 2008 йил ноябр ойида Вашингтонда бўлиб ўтган Саммитда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,

ундан қандай қилиб чиқиш йўллари муҳокама қилингани, лекин унинг сабаблари, таҳлили иккинчи планда қолдирилгани ва бу бўйича ягона ёндашувга келинмаганлиги кўрсатиб ўтади.

Хўш, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб бораётган мазкур инқирознинг асосий сабаблари нимада? Албатта, ушбу мураккаб саволга жавоб топиш мутахассис иқтисодчи, социолог, жамиятшуносларнинг иши. Биз бу ерда жамиятимиз ҳаёти муаммоларига бефарқ бўлмаганларнинг сафидагилардан бири сифатида ушбу масала хусусида ўзимизнинг жузъий фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Талаб доимо таклиф зарурати билан белгиланадики, мазкур тамойил бузилса, бозор муносабатлари, истеъмол бозори – аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирабошланиши ҳам деформацияга учрайди, бузилади. Ва бунинг натижаси ўлароқ муайян жамият «истеъмол жамияти»га айланади.

Истеъмол жамияти – бу кишиларнинг кундалик, ҳаётий фаолиятларида товарлар ва хизматларни оммавий кўламда истеъмол қилишлари, истеъмолчилик психологияси асосий роль ўйнайдиган тузумдир. Бундай жамиятда истеъмолчилик ижтимоий ҳаётнинг мазмун, мақсадига айланади. (Е.И.Сапожников. Общество потребления в странах Запада.\\Вопросы философии» журналы 2007 йил, №10,54 - бет). Бир сўз билан айтганда, бундай жамиятда истеъмолчилик турмуш тарзи белгиловчи мавқени эгаллайди.

Истеъмол жамияти иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб мамлакатларида шакллана бошлайди. Бу даврда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ривожланиши ва шунга мувофиқ аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ истеъмол қилиш нормалари ҳам ошиб боради. Масалан, АҚШ да 1980 йилда америкаликларнинг ўртача истеъмол қилиш нормаси 92,1 фоиз бўлган бўлса, 1993 йилга келиб 96 фоизни ташкил қилади. (Ўша журнал, 54-бет). Лекин бунда шу нарсани таъкидлаш керакки, кишиларнинг товарларни харид

қилишлари, уларга эга бўлишлари аста-секинлик билан уларнинг кундалик яшаш эҳтиёжларини қондириш мақсади учун эмас, балки обрў-эътибор қозониш, ижтимоий нуфузни ошириш заруриятига айлана боради. Бошқача қилиб айтганда, истеъмол қилиш нормаларининг миқдор жиҳатидан ошиб бориши унинг меъёрий чегарасининг бузилишига олиб келадики, бунинг натижаси ўлароқ кишиларда истеъмолчилик психологияси, турмуш тарзи шаклланади.

Истеъмол қилиш номраси миқдорий чегарасининг бузилиши эса талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро мослик, мувозанатнинг ноиктисодий, хусусан, маънавий-ахлоқий омиллар таъсиридан четда, улардан ажралган ҳолда амал қилишлигининг оқибатида рўй беради.

Алалхусус, истеъмол жамиятининг юзага келишининг манбаи фақатгина моддий эҳтиёжларнинг нисбатан максимал даражада қондирилиши эмас, балки бунга нисбатан маънавий-ахлоқий тамойил, омилларнинг тескари пропорционал тарзда қадрсизланишга учраганлигидадир. Буни Ғарб мамлакатларидаги биргина оила институтининг инқирозга юз тутаётганлигида кўриш мумкин. Масалан, дунёнинг ўн еттита тараққий қилган давлатларидан (15 таси Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ, Канада) 1980 йилдан 2001 йилгача никоҳдан ўтганларнинг даражаси 22,1 фоизга пасайган бўлса, ажралишланларнинг сони 1000 кишига нисбатан бир ярим баровардан кўпроқ ошган. (Ўша журнал, 58-бет).

Америкалик сиёсатшунос, социолог П.Ж.Бьюкенен «Ғарбнинг ҳалокати» номли китобида АҚШда 1970 йилдан 2001 йилгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,1 миллионгача, яъни 1000 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ (эр-хотин ва уларнинг болаларидан иборат) оила истиқомат қилаётганлиги ҳақида ёзади. (П.Ж.Бьюкенен. Ғарбнинг ҳалокати. \\Жаҳон адабиёти» журнали, 2007, январ сони, 30-31-бетлар).

Айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бугунги кунда дунёни таҳликага солаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг сабабларини талаб ва таклиф қонунининг субъектив омиллар таъсирида бузилиши ва бунинг натижаси – ижтимоий, маънавий-ахлоқий муносабатларнинг деформациялашиши жараёнида ахтармоқ зарур. Масалага шу нуктаи назардан туриб ёндашиладиган бўлса, мазкур инқироз мамлакатимизнинг фақат иқтисодиётигагина эмас, балки ижтимоий-маънавий ҳаётига ҳам таҳдид солувчи хавф эканлиги аён бўлади. Бу эса унга қарши туриш, ундан ҳимояланиш йўллариини белгилашни талаб этадики, уларнинг энг асосийларидан бири бу – маънавий-ахлоқий тарбияни миллийлик, тизимлилик, узлуксизлик тамойиллари асосида амалга оширишни йўлга қўйишдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари ҳамда мазкур ҳолат юзасидан умумий хулосалар:

- банк-молия тизимидаги инқирозлар жараёни деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, мазкур тизимда жиддий нуқсонларнинг мавжудлиги ва уни ислоҳ қилишнинг зарурлиги;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳон мамлакатларига кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатларнинг содир бўлиши;

- молиявий-иқтисодий инқирознинг маълум давлатлар даражасидаги миқёси, кўлами ва оқибатларига таъсир этувчи омиллар (молия-валюта тизими, молия-кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлиги,

олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва бошқа шу каби) ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлиги даражасига боғлиқлиги;

- инқироз шароитидан чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш чора-тадбирларини комплекс равишда амалга оширишнинг зарурлиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзасидан Вашингтон саммити (2008 йил ноябрь)да инқирозни келтириб чиқарувчи сабаблар таҳлили ва қарашларда яқдилликнинг мавжуд эмаслиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва уни юмшатиш омиллари. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели. Ўтиш даврида давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олишининг зарурлиги. Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими барқарор ишлаши учун зарурий ресурслар базасининг мавжудлиги. Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканлиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистонга таъсири. Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши жараёнида Ўзбекистоннинг экспорт маҳсулотлари нархидаги ўзгаришлар.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан зарурий шарт-шароитнинг мавжудлиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”ни асарида белгилаб берилган солиш, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш.

1. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари.

2. Банк-молия тизимидаги инқирозлар жараёни, унинг бутун дунёни камраб олаётгани, мазкур тизимда жиддий нуқсонларнинг мвжудлиги ва уни ислоҳ қилиш.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида рецессия ва иқтисодий пасайиш.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида инвестициявий фаолликнинг чекланиши.

5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида талаб ва халқаро савдо ҳажмидаги ўзгаришлар анъанаси.

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг дунё мамлакатларига кўрсатадиган ижтимоий талофатлари.

7. Молиявий-иқтисодий инқирознинг маълум давлатлар даражасидаги миқёси, кўлами ва оқибатлари ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлиги даражасига боғлиқлиги.

8. Молиявий-иқтисодий инқирознинг давлатлар даражасидаги кўлами ва оқибатларига таъсир этувчи омиллар.

9. Инқироз шароитидан жадал чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш чора-тадбирларини комплекс равишда амалга ошириш.

10. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi юзасидан ташкил этилган Вашингтон саммити ва унинг аҳамияти.

11. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири.

Иқтисодий инқирозлар, уларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи сабаблар. Иқтисодий инқирозларнинг оқибатлари.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йил АҚШда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi: Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолати, бу жараён миқёсининг кенгайиши, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг тўлов қобилиятини заифлашуви, натижада вазият издан чиқиб молиявий инқирозга айланиб кетиши. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компания индекслари ва акциялари бозор қийматининг ҳалокатли даражада тушиб кетиши.

Буларнинг натижасида мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши ва улар билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни юзага келиши.

Дунёнинг етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари томонидан глобал молиявий инқироз ҳолатларини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиши ва умумлаштириши натижасида берган хулосалари:

биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни камраб олаётганлиги, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлишининг мумкинлиги;

иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматли қоғозлар бозорларидаги турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигининг тасдиқланиши;

учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлишига таъсир этувчи омиллар, яъни бу аввало шу давлатнинг молия-валюта тизими қай даражада мустаҳкам эканлигига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва тўлов имконининг (ликвидлиги) мавжудлигига, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қай даражада қарам эканлигига, шу билан бирга, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва провард натижада - мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, диверсификациялашуви ва рақобатга бардошлилик даражасига боғлиқлиги;

тўртинчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти доирасида қабул қилинаётган чоратадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқлиги.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг қабул қилинган 5 тамойили (иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат - бош ислоҳотчи, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, қонун устуворлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш), ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали ўз олдимишга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўйилиши, “шок терапияси” каби усуллардан воз кечилиши.

“Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга оширилишини танланиши. Ўтиш даврида муҳими, давлат - бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши ва бундай ёндашувнинг охир оқибатда ўзини тўла оқлаши. Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжуд эканлиги.

“Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга оширилишини танланиши. Ўтиш даврида муҳими, давлат - бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши ва бундай ёндашувнинг охир оқибатда ўзини тўла оқлаши. Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжуд эканлиги.

Банк активлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамизда аҳолининг банклардаги барча депозитларини давлат томонидан юз фоиз кафолатлаш таъминланганлиги.

2006 йилда ташкил этилган “Микрокредитбанк”нинг фаолияти, унинг мамлакат ҳудудида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки мавжудлиги, мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредит билан таъминлашга хизмат қилаётганлиги.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида муддатли, спекулятив кредитдан воз кечиб чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келиши.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича ҳеч қандай хавотирнинг йўқлиги, республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганлиги.

Мамлакатда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганлиги, хусусан, 2007-2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганлиги.

Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархларнинг асоссиз ўсишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши. Буларнинг барчаси халқ фаровонлигини юксалтиришга, аҳоли харид қобилиятини оширишни кўзда тутадиган энг муҳим устувор мақсадларга мос келиши.

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамларда тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқироzi мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармасликнинг лозимлиги, масалани бундай тушуниш ўта соддалик ҳамда кечириб бўлмас хато эканлиги. Чунки, Ўзбекистон бугунги кунда халқаро ҳамжамиятни ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар нархининг тушиб бориши. Бунинг натижасида корхоналар ва инвесторларни экспортдан оладиган тушумларнинг камайиши, макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатларига салбий таъсири.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги, аввало мамлакат иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдевори, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмлари ўз вақтида шакллантирилганлиги ва мустаҳкамланганлигининг бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар эканлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларига қарши курашиш йўлида банк ва молия тузилмаларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётнинг реал сектори, корхона ва компанияларнинг фаоллигини кучайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишга солиш кўзда тутилган.

Умуман олганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган, кенг кўламли лойиҳаларнинг бугун амалга оширилганлиги.

Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар тадбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан, аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилиниши лозим.

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг кенг жамоатчилик оммасига ҳавола этилаётган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» деб номланган асарининг моҳияти ва аҳамияти шундаки, унда юқорида зикр этилган масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ карашлар, амалий хулосалар илгари сурилган.

Китоб қуйидаги икки қисмдан иборат, биринчи қисми - жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллардир; иккинчи қисми эса - банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш - Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир.

«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» факультатив курсини ўқитишдан мақсад, бозор муносабатлари шароитида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей талабаларига молиявий инқирозлар, уларнинг моҳияти ва мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири, хусусан, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва салбий оқибатлари, шу жумладан, ушбу инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларни ўрганишдир.

Шу билан бирга республикамыз банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари кўрсатилган.

Бу эса, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларнинг белгиланиши ҳамда мамлакат банк тизимини қўллаб қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлган ёш авлодда эртанги кунга ишонч ҳамда ушбу жараёнда ўзининг бевосита иштирокчи эканлигини ҳис қилиш туйғуси кучаяди.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилганлиги.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизни ташкил этганлиги, хизмат кўрсатиш ҳажми эса 21,3 фоизга ўсганлиги.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизни ташкил этганлиги, хизмат кўрсатиш ҳажми эса 21,3 фоизга ўсганлиги.

Давлат бюджети ортиғи билан бажарилганлиги, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилганлиги.

Пухта ўйланган, қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолинганлиги.

2008 йил ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт буйича эса 1,4 баробар ошганлиги. Натижада ўртача иш

хақи миқдори 300 АҚШ долларида ортиқ бўлганлиги. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайганлиги.

2009 йилни оладиган бўлсак, ўртача иш хақи бюджет соҳасида ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам 1,4 баробар ошиши кўзда тутилганлиги. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланганлиги. 2009 йилни оладиган бўлсак, ўртача иш хақи бюджет соҳасида ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам 1,4 баробар ошиши кўзда тутилганлиги. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланганлиги.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми изчил ва барқарор ўсиб бораётганлиги. 2008 йилда 1 млрд. 700 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилганлиги ва бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўпайганлиги. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этганлиги. Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 млрд. 800 млн. долларга кўпайганлиги, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялар эканлиги. Ўтган йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларида зиёд миқдорда кредитлар ажратилганлиги.

Мамлакатимиз буйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объектлар ишга туширилганлиги.

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизи корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этганлиги. Бу эса мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш буйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканлигини тасдиқлаши.

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДИ.

Яқинда иқтисодчи олимлардан бири олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчиларига Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китоби бўйича маъруза қилди. Воиз китоб мазмунини шарҳлаш баробарида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабини талаб ва таклиф иқтисодий қонунига риоя қилмасликда деб кўрсатди.

Маъруза сўнггида тингловчилардан бири унга: «Домла, айтингчи, бундай инқирознинг сиз кўрсатгандан бошқа сабаблари ҳам борми?» деб савол берди. Нотик, гарчи бошқа сабабларнинг борлигини эътироф этган бўлса-да, барибир уларнинг ҳам «соф» иқтисодий омиллар билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш билан чегараланди.

И.А.Каримов ўз китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатларининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан (бунда ноиқтисодий омиллар ҳам назарда тутилади – изоҳ бизники) келиб чиқишлигини таъкидлайди.

Мазкур глобал миқёсидаги инқирозни тўхтатиш оқибатларини бартараф этиш энг аввало унинг омиллари сабабларини аниқлашни талаб этадики, ҳали ушбу масала ўз ечимини топган эмас.

И.А.Каримов ушбу китобда жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлатлар иштирокида 2008 йил ноябр ойида Вашингтонда бўлиб ўтган саммитда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ундан қандай қилиб чиқиш йўллари муҳокама қилингани, лекин унинг сабаблари, таҳлили иккинчи планда қолдирилгани ва бу бўйича ягона ёндашувга келинмаганлиги кўрсатиб ўтади.

Хўш, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб бораётган мазкур инқирознинг асосий сабаблари нимада? Албатта, ушбу мураккаб саволга жавоб топиш мутахассис иқтисодчи, социолог, жамиятшуносларнинг иши. Биз бу ерда жамиятимиз ҳаёти муаммоларига бефарқ бўлмаганларнинг

сафидагилардан бири сифатида ушбу масала хусусида ўзимизнинг жузъий фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз, холос.

Бизнингча, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабабларини қандай ноиқтисодий омиллар асосий талаб ва таклиф қонунининг бузилишига олиб келганлигидан ахтариш зарур. Маълумки, талаб ва таклиф қонуни бозор иқтисодиётининг объектив қонуни бўлиб, у товарларга талаб ва товарлар таклифи ўртасидаги доимий, мунтазам ва зарурий ўзаро алоқадорлик, боғланишни акс эттиради. Талаб ва таклиф бир-бирини тақозо этади ва бу уларнинг ўзаро мослиги, мувозанатини белгилайди. Мазкур кутбий томонларнинг ўзаро мослиги, мувозанатига эришилса ва унга монанд иш тутилса, жамият бозор муносабатлари асосида барқарор ривожланади. Билъакс, томонлар ўртасидаги ўзаро мослик, мувозанат бузилса, жамият ҳаётида беқарорлик, инқироз юзага келади.

Талаб доимо таклиф зарурати билан белгиланадики, мазкур тамойил бузилса, бозор муносабатлари, истеъмол бозори – аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирабошланиши ҳам деформацияга учрайди, бузилади. Ва бунинг натижаси ўлароқ муайян жамият «истеъмол жамияти»га айланади.

Истеъмол жамияти – бу кишиларнинг кундалик, ҳаётий фаолиятларида товарлар ва хизматларни оммавий кўламда истеъмол қилишлари, истеъмолчилик психологияси асосий роль ўйнайдиган тузумдир. Бундай жамиятда истеъмолчилик ижтимоий ҳаётнинг мазмун, мақсадига айланади. (Е.И.Сапожников. Общество потребления в странах Запада.\\Вопросы философии» журналы 2007 йил, №10,54 - бет). Бир сўз билан айтганда, бундай жамиятда истеъмолчилик турмуш тарзи белгиловчи мавқени эгаллайди.

Истеъмол жамияти иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб мамлакатларида шакллана бошлайди. Бу даврда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ривожланиши ва шунга мувофиқ аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан

боғлиқ истеъмол қилиш нормалари ҳам ошиб боради. Масалан, АҚШ да 1980 йилда америкаликларнинг ўртача истеъмол қилиш нормаси 92,1 фоиз бўлган бўлса, 1993 йилга келиб 96 фоизни ташкил қилади. (Ўша журнал, 54-бет). Лекин бунда шу нарсани таъкидлаш керакки, кишиларнинг товарларни харид қилишлари, уларга эга бўлишлари аста-секинлик билан уларнинг кундалик яшаш эҳтиёжларини қондириш мақсади учун эмас, балки обрў-эътибор қозониш, ижтимоий нуфузни ошириш заруриятига айлана боради. Бошқача қилиб айтганда, истеъмол қилиш нормаларининг миқдор жиҳатидан ошиб бориши унинг меъёрий чегарасининг бузилишига олиб келадики, бунинг натижаси ўлароқ кишиларда истеъмолчилик психологияси, турмуш тарзи шаклланади.

Истеъмол қилиш нормаси миқдорий чегарасининг бузилиши эса талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро мослик, мувозанатнинг ноиктисодий, хусусан, маънавий-ахлоқий омиллар таъсиридан четда, улардан ажралган ҳолда амал қилишлигининг оқибатида рўй беради.

Алалхусус, истеъмол жамиятининг юзага келишининг манбаи фақатгина моддий эҳтиёжларнинг нисбатан максимал даражада қондирилиши эмас, балки бунга нисбатан маънавий-ахлоқий тамойил, омилларнинг тескари пропорционал тарзда қадрсизланишга учраганлигидадир. Буни Ғарб мамлакатларидаги биргина оила институтининг инқирозга юз тутаётганлигида кўриш мумкин. Масалан, дунёнинг ўн еттита тараққий қилган давлатларидан (15 таси Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ, Канада) 1980 йилдан 2001 йилгача никоҳдан ўтганларнинг даражаси 22,1 фоизга пасайган бўлса, ажралишланларнинг сони 1000 кишига нисбатан бир ярим баровардан кўпроқ ошган. (Ўша журнал, 58-бет).

Америкалик сиёсатшунос, социолог П.Ж.Бьюкенен «Ғарбнинг ҳалокати» номли китобида АҚШда 1970 йилдан 2001 йилгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,1 миллионгача, яъни 1000 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ (эр-хотин ва уларнинг болаларидан

иборат) оила истиқомат қилаётганлиги ҳақида ёзади. (П.Ж.Бьюкенен. Ғарбнинг ҳалокати. «Жаҳон адабиёти» журналі, 2007, январ сони, 30-31-бетлар).

Айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бугунги кунда дунёни таҳликага солаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг сабабларини талаб ва тақлиф қонунининг субъектив омиллар таъсирида бузилиши ва бунинг натижаси – ижтимоий, маънавий-ахлоқий муносабатларнинг деформациялашиши жараёнида ахтармоқ зарур. Масалага шу нуқтаи назардан туриб ёндашиладиган бўлса, мазкур инқироз мамлакатимизнинг фақат иқтисодиётигагина эмас, балки ижтимоий-маънавий ҳаётига ҳам таҳдид солувчи хавф эканлиги аён бўлади. Бу эса унга қарши туриш, ундан ҳимояланиш йўлларини белгилашни талаб этадики, уларнинг энг асосийларидан бири бу – маънавий-ахлоқий тарбияни миллийлик, тизимлилик, узлуксизлик тамойиллари асосида амалга оширишни йўлга қўйишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
3. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси (2008 йил 5 декабрь).
4. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.
5. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
6. 2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури // Халқ сўзи, 2008 йил 12 февраль.